

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада янги иш жойларини ташкил этишнинг моҳияти назарий жиҳатдан асосланган, иш жойларини ташкил этиш йўналишари таҳлил этилиб, қишлоқ жойларда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, янги иш жойларини ташкил этиш бўйича тавсиялар берилган.

Аннотация. В данной статье рассмотрены теоретические аспекты организации новых рабочих мест, проанализированы основные направления создания новых рабочих мест, даны рекомендации по созданию новых рабочих мест в сельских местностях, исходя из возможностей регионов.

Annotation. This article examines the theoretical aspects of organizing new jobs, analyzes the main directions of creating new jobs, gives recommendations for creating new jobs in rural areas, based on the capabilities of the regions.

Калит сўзлар: *иш жойи, иш билан бандлик, барқарор янги иш жойи, меҳнат бозори.*

Ключевые слова: *рабочие места, занятость, устойчивые новые рабочие места, рынок труда.*

Keywords: *workplaces, employment, sustainable new jobs, labor market.*

Кўп сонли меҳнат ресурсларига эга бўлган Ўзбекистон аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш жойларини ташкил этиш муаммосини ҳал этиш яқин истиқболда республикани муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Шу боис, республикамиз ва унинг минтақаларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига муҳим этибор қаратилаётган бир пайтда янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва минтақаларда ишсизлик даражасини янада пасайтириш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида тўхталиб “... ҳукумат жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали 500 мингта янги иш ўрни яратишни таъминлаши зарур” – деб таъкидлаб ўтди. [1]

Республикада олиб борилаётган ислохотлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай янги иш жойларини ташкил этиш ҳисобига ишсизликни қисқартириш республиканинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда ва ишсизликни камайтиришда “иш ўрни” ва “янги иш жойларини ташкил этиш”нинг зарурати бўйича бир қанча иқтисодчи олимлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган. Иқтисодчи олим, академик Қ.Х. Абдурахмонов “иш ўрни” тушунчасига шундай таъриф беради: “Иш ўрни – бу ишлаб чиқариш маконининг бир қисми бўлиб, унда барча асосий ва ёрдамчи технология ускуналари, мосламалар, иш мебеллари ва махсус қурилмалар жойлашган ва улар муайян турдаги ишларни бажариш учун мўлжалланган бўлади”. [2]

А.Ш. Назаров фикрига кўра “ишлаб чиқариш ҳудудининг битта иш бажарувчига ёки бир гуруҳ ишчиларга ажратиб берилган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари билан етарли таъминланган майдони иш жойи деб аталади”. [3]

Умумий ҳисобда, илмий асосланган таъриф қуйидагича келтиради: “Иш жойи (ўрни) – корхонада ёки хусусий тадбиркор томонидан ташкил этилиб, тегишли тартибда ва ускуналар билан бутланган, ходим томонидан меҳнат фаолияти амалга оширилаётган ёки ходимлар гуруҳи томонидан бирон-бир вазифа (иш, хизмат кўрсатиш) амалга оширилаётган ва ҳисобга олиш даври (ой, чорак, йил) давомида фаолият юритаётган жой”. [4]

2013 йилда чоп этилган жаҳон тараққиёти тўғрисидаги маърузада янги иш жойларини ташкил этиш масалалари кўрилган бўлиб, мамлакатлар иқтисодиётида иш жойларини яратиш бўйича хусусий секторнинг етакчилик роли алоҳида қайд этилган. Маърузада келтирилишича, юқори унумли иш жойларининг мавжудлиги воқеаларнинг ижобий тусда кечишига имкон беради. Шу билан бирга унда таъкидланишича, янги иш жойларини ташкил этилиши ҳисобига ишсизлик камаяди, инсонларнинг қийинчиликларни

енгиши, аёлларнинг эса ўз фарзандлари келажаги учун инвестициялар киритиши имконияти туғилади. Янги иш жойларининг ташкил этилиши билан ишловчиларнинг малака даражаларини ошиб бориши натижасида меҳнат унуми ортади, турли низоларни келтириб чиқарувчи ижтимоий танглик даражаси юмшаши асосланган. [5]

Бироқ шу кунгача, “иш ўрни” тушунчаси ўзининг якуний аниқ таърифини топмаган. Россиялик иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра иш жойларини таърифлашда унга жисмоний, иқтисодий [6] ҳамда институционал [7] нуқтаи-назардан комплекс тарзда ёндашиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Ушбу ёндашувлардан келиб чиқиб, янги иш жойларини яратилишига иқтисодиётни ривожланишининг объектив жараёни сифатида қараш мумкин. Бу жараён доимо ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва такомиллашиши ҳамда тузилмавий ўзгаришларининг асосий шартидир.

Россиялик олим О.Г. Кузнецовнинг таъкидлашича янги иш жойларини ташкил этиш йўналишлари сифатида илмий-техник тараққиёт, янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши, фаолият юритаётганларини эса қўллаб қувватлаш кабилар бўлиши мумкин. [8]

Шу қаторда янги иш жойларини ташкил этишда давлатнинг бошқарувчилик ва тартибга солувчи ролини тан олмаслик нотўғри ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Жаҳон банкининг Ижтимоий масалалар гуруҳи Президенти Джим Ен Ким мамлакатларнинг ҳукумат органлари учун янги иш жойларини ташкил этиш устувор масала бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтиб, бунда давлат албатта хусусий сектор билан самарали алоқада бўлиши кераклигини қайд этган. [9]

Аммо адабиётларнинг шарҳларидан келиб чиқиб, янги иш жойларини ташкил этиш йўналишлари бўйича илмий изланишлар етарлича эмаслиги аниқланди. Иш билан бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубларидан фойдаланилмоқда, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолмоқда.

Бандлик - бу миллий фаровонлик, танланган ислохотлар курси самарадорлиги, уларнинг аҳоли учун жозибадорлиги тўғрисида ҳукм чиқарадиган ўзига хос кўрсаткич, шунинг учун Ўзбекистонда янги иш ўринлари яратиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. [10]

Янги ташкил этилган барқарор иш жойлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанатлиликнинг бузилишига, республиканинг айрим минтақаларида ишсизлик даражасининг ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда.

Иш жойлари - бу ишчи кучига бўлган талабни таъминлайдиган меҳнат бозорининг белгилловчи элементларидан бири. Ишсизликни камайтириш ва бандликни рағбатлантириш муаммоларини иш ўринлари яратиш жараёнидан ажратиб бўлмайди. Иш жойларининг мавжудлиги, яратилиши ёки қисқариши меҳнат бозори фаолияти ва ишчи кучининг такрор ишлаб чиқарилишига сезиларли даражада таъсир қилади. Иқтисодий жиҳатдан самарали иш жойи самарали иш билан таъминлаш деб аталади, бу ходим учун ишчи кучини тиклаш ва оиласи ва фарзандларини қўллаб-қувватлаш учун даромад ва фойда олиш имконияти, яъни келажакдаги потенциал ишчи кучини шакллантириш. Шундай экан, янги иш жойларини ташкил этиш ва меҳнат салоҳиятини ривожлантириш имконияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд.

Айни пайтда мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил қилишда давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш, айниқса аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун иш жойлари квотасини белгилаш, аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга оширишда бир қатор муаммолар мавжудлиги кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам бу йўналишда кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Иш ўринларини яратиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган мақсадли тадбирларни фаол амалга ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Мамлакатимизда

қабул қилинган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш дастурлари бандлик масалаларини ҳал этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 июлда имзолаган “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бундай муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, қишлоқ туманларида сартарошхона, яқка тартибдаги буюртмалар бўйича тикувчилик хизматлари, пойабзал таъмирлаш, жамоат ҳаммомларини ташкил этган тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилмоқда. Бундай имкониятлар тадбиркорлик субъектларининг ривожланишида, айти пайтда аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Худудларда, доимий иш ўринлари очувчи тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун республика тижорат банкларида кредит линиялари очиш, шунингдек, ишчи кучи кўп бўлган минтақаларда давлат хусусий шериклик шартлари асосида янги иш ўринлари яратишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этиш кабилар мазкур худудий жамғармаларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган, Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган ва Президент томонидан 2020 йил 20 октябрда имзоланган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни бундай муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур Қонуннинг 4-боби айнан “Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмаси” деб номланган бўлиб, иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини шакллантириш (2-модда) ва унинг тартиби (23-модда), давлат буюртмасига мувофиқ иш ўринлари ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (24-модда) каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилган.

Иш жойларининг етишмаслиги ва ишсизлик ижтимоий тангликни, турмуш даражасидан норозиликни, аҳолининг харид қобилиятининг пасайишини ва бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Иқтисодиёт учун ишсизлик ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишини англатади, шунинг учун бюджетни шакллантириш учун молиявий оқимларнинг пасайиши (солик имтиёзлари кўринишида) ва ишсизликни йўқ қилиш харажатлари ва ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш бир вақтнинг ўзида ошади.

Республикамизнинг ҳудудлари иқтисодий салоҳият, шарт-шароит, инфратузилмалар кўрсаткичи ва демографик таркиб нуқтаи-назардан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга. Айниқса, соҳалар бўйича иш билан бандлик кўрсаткичлари доимий равишда ўзгарувчан хусусиятга эгадир.

Ҳар йили меҳнат бозорига ярим миллиондан ортиқ ёшлар кириб келмоқда. Бунинг акси ўлароқ, янги технологиялар ва инновациялар жорий қилиниши натижасида ишлаб чиқаришда инсон меҳнатига талаб камайиб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар доирасида айрим касблар ва мутахассисликлар бўйича эҳтиёж эса қисқариб бормоқда. Бундай шароитда, албатта, аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш учун барча вазирлик ва идоралар, парламент, маҳаллий кенгашлар, ҳокимликлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида тизимли ишлар амалга оширилиши тақозо этилади.

Шу ўринда меҳнат бозори асосий кўрсаткичлари бўйича қуйидаги 1-жадвалдаги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йил 2-чорагида иқтисодий фаол аҳолимиз 14680,6 минг кишидан 12736,6 минг киши иш билан таъминланган.

1-жадвал
Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозоридаги асосий кўрсаткичлар
(бирлик)*

Кўрсаткичлар	2018 йил 2-чорак	2019 йил 2-чорак	2020 йил 2-чорак	2020 йил 2-чоракда 2018 йил 2-чоракка нисбатан ўзгариши

Иш билан банд аҳоли (бир даврда ўртача; минг киши)				
Иқтисодий фаол аҳоли	14569,5	14751,0	14680,6	100,8
Шундан, иш билан таъминланганлар	13219,9	13408,4	12736,6	96,3
Шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3573,4	3552,3	3400,7	95,2
Саноат	1787,8	1805,0	1681,2	94,0
Қурилиш	1195,2	1212,4	1260,9	105,5
Савдо	1388,2	1407,2	1299,1	93,6
Ташиш ва сақлаш	636,3	649,6	573,0	90,1
Таълим	1111,9	1117,4	1057,1	95,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	604,0	608,8	611,4	101,2
Бошқа турлари	2923,1	3055,7	2853,1	97,6
Иш билан банд аҳолини мулкчилик турлари бўйича тақсимлаш				
Давлат сектори	2459,6	2533,9	2419,0	98,3
Нодавлат сектори	10760,3	10874,5	10317,6	95,9
Меҳнат идораларидан рўйхатдан ўтган ишсизлар	82,3	54,2	73,2	88,9


* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

2018-2020 йиллар 2-чорадаги кўрсаткичлар ҳолатига кўра республикада иқтисодий фаол аҳоли динамикаси ўсишда давом этди. Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсаткичлар эса, соҳаларда қисман ўзгаришни кўрсатди.

Шу сабабли, аҳоли иш билан бандлигини таъминлашнинг омили бўлган янги иш жойларини ташкил этиш кўрсаткичлари тизимини таҳлил этишда бундай жойларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганлиги кузатилади. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳада иш билан бандлик даражасида банд аҳоли 4.8% га камайди. Худди шунингдек, саноат, савдо, ташиш ва сақлаш, таълим соҳасида ҳам иш билан бандлик кўрсаткичлари камайиш хусусиятига эга бўлди. Бироқ, кўрилатган даврда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳада (101.2%), қурилишда (105.5%) ўсиш кўрсаткичларига эга.

Соҳаларда иш билан бандлик даражасининг ортиши асосан яратилаётган янги иш ўринлари билан таснифланади.

Иш жойларининг бундай ўсиш тенденцияси республиканинг барча ҳудудларига ҳам хос бўлган. Айниқса ишсизлик даражаси юқори бўлган (6,4%) Қорақалпоғистон Республикасида яратилган иш жойлари сони 4,0 фоизга кўпайганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шу билан бирга янги иш жойларини ташкил этиш бўйича энг юқори суръатларда кетаётган Тошкент шаҳрини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Тошкент шаҳридаги янги иш жойларини ташкил этиш ҳолати ўртача кўрсаткичдан 3 баробардан юқоридир. Шу билан бирга аҳолиси зич жойлашган Андижон вилоятида бу кўрсаткич 1,8 фоизни ташкил қилмоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ташкил этилган иш ўринлари сони динамикаси (2019й., бирлик)*

* Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

2019 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг амалга оширилиши иш билан таъминланишга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларда, хусусан Самарқанд (45,1 минг иш ўрни), Андижон (33,8 минг), Қашқадарё (24,6 минг), Тошкент (32,8 минг), Наманган (28 минг), Бухоро (24,3 минг), Сурхондарё (17,1 минг) ва Хоразм (25,6 минг) вилоятларида иш ўринларининг кўпайишини таъминлади (1-расм).

Бироқ, иш билан бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда эскирган иш шакллари ва услубларидан фойдаланилаётганлиги, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолганлиги, муҳим ижтимоий масала ҳисобланган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзаки ёндашув ҳолатлари учраётганлиги Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев маърузаларида бир неча бор қайд этилди. Шу билан бирга, аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва жавобгарлик механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистонда ташкил этиладиган янги иш ўринларининг прогноз параметрларини янги йўналишлар асосида белгилаш кўзда тутилди.

Ишчи кучи салоҳиятини самарали ривожлантиришнинг энг муҳим шarti бу иш билан бандлик ҳолатидир. Бандлик тоифаси таърифларини кўриб чиқиш муаллифга қуйидаги характерли хусусиятларни - ишнинг мавжудлиги, меҳнат фаолиятини амалга ошириш имконияти ва натижада ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва меҳнатга моддий ҳақ тўлаш механизми орқали инсоннинг шахсий манфаатларини қондириш имконини берди.

Давлатнинг иш билан бандлик сиёсати доирасида ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланадиган дастурларни амалга ошириш, бўш ва квоталанадиган иш ўринларига ишга жойлаштириш механизмларини

такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шакллари
ривожлантириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

2019 йилда яратилган иш ўринларини йўналишлар бўйича кўриб
чиқадиган бўлсак, йирик лойиҳалар (давлат ва хўжалик бошқаруви
органлари)га 52 минг, кичик лойиҳалар (маҳаллий лойиҳалар,
ўз маблағи ҳисобига кредит олмасдан)га 168 минг, фаолият кўрсатмаётган,
самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар
негизда эса 18 мингга яқин, Давлат бюджети маблағлари ва давлат-хусусий
шерикчилик шартлари асосида ишга тушадиган ижтимоий ва бошқа
объектларда эса 21.5 мингга яқин иш ўринлари ташкил этилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида йўналишлар бўйича ташкил этилган иш ўринлари сони (2019 йил)

№	Худудлар номи	Йирик лойиҳалар (давлат ва хўжалик бошқаруви органлари)	Кичик лойиҳалар (маҳаллий лойиҳалар, ўз маблағи ҳисобига кредит олмасдан)	Фаолият кўрсатмаётган, самарасиз фойдаланила ётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизда	Давлат бюджети маблағлари ва давлат- хусусий шерикчилик шартлари асосида ишга тушадиган ижтимоий ва бошқа объектлар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2 485	5 771	524	1 957
	<i>вилоятлар:</i>				
2.	Андижон	2672	18719	1829	1193
3.	Бухоро	3 792	7 555	1 086	1 601
4.	Жиззах	3 517	7 062	559	2 156
5.	Қашқадарё	2 431	8 192	577	1 269
6.	Навоий	5 196	7 061	1 068	1 369
7.	Наманган	3 370	15629	842	1 735
8.	Самарқанд	4 177	14039	3 070	1 831
9.	Сурхондарё	1 102	10164	835	1 602
10.	Сирдарё	1 028	9122	573	850
11.	Тошкент	9766	9391	2180	731

12.	Фарғона	7130	3584	1862	2300
13.	Хоразм	4047	11930	2700	2146
14.	Тошкент ш.	1325	39944	17	627
	Республика бўйича жами	52 038	168 163	17 722	21 367

Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Кичик лойиҳалар (маҳаллий лойиҳалар, ўз маблағи ҳисобига кредит олмасдан) иш ўринлари ташкил этиш кўрсаткичларини вилоятлар бўйича оладиган бўлсак, асосан Тошкент шаҳри (39944 та иш ўрни ёки 23.75%), Андижон (18719 та иш ўрни ёки 11.13%), Наманган (15629 та иш ўрни ёки 9.29%), Самарқанд (14039 та иш ўрни ёки 8.34%), Хоразм (11930 та иш ўрни ёки 7%) ва Сурхондарё (10164 та иш ўрни ёки 6%) каби ҳудудларда бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ иш ўринлари ташкил этилган.

Агар фаолият кўрсатмаётган, самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизида яратилаётган иш ўринлари бўйича энг кам кўрсаткичга эътибор қаратсак, бу Тошкент шаҳрида бўлиб, 17 тани ташкил этмоқда. Бу билан пойтахтда самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар сони ҳам йиллар давомида камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шунга қарамай, республикамиз меҳнат бозорида ҳали-ҳамон юқори даражада кескинлик сақланиб қолмоқда, доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари тўла-тўқис ҳал этилмаяпти.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнь “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли Қарори 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари

рўйхати кенгайтирилди. ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.

ДСҚ матбуот хизмати хабарига кўра, 2020 йил 30 июль ҳолатига ўзини ўзи банд қилганларнинг умумий сони 201 283 нафарни ташкил этди. Худудлар кесимида етакчи учлик – Самарқанд, Наманган ва Бухоро вилоятлари.

Ўзини ўзи банд қилганлар учун мавжуд бўлган 67 турдаги фаолиятдан Ахборот коммуникация йўналиши бўйича хизматлар (ижтимоий тармоқлардаги фаолият, дастурий таъминот, мобил иловалар ва веб сайтларни ишлаб чиқиш, матнни яратиш ва ишлов бериш) - 2 995 нафар шахс ўзини ўзи банд қилган.

Энг оммабоп – маиший хизматлар (сартарошлик, маникюр, косметолог, педикюр, уйда кир ювиш ва дазмоллаш, калитлар тайёрлаш, пойабзал тикиш, таъмирлаш ва бўяш хизматлари). Мазкур йўналишда 54 932 нафар аҳоли банд.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар (чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда томорқа эгаларига ёрдам бериш) соҳасида эса 42 947 нафар шахс ўзини ўзи банд қилган.

Саноат йўналиши бўйича хизматлар (ёғоч меъморчилиги, сантехника хизмати, электр монтаж ишлари, макулатура, пластик идиш, темир терсак тўплаш ва қўшимча хомашё тўплаш) билан 34 768 нафар шахс шуғулланмоқда.

Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар (уйда репетиторлик қилиш, болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш, уй хўжалигини юритиш, хоналарни тозалаш, халқ таъбири) соҳасини 33 837 нафар шахс маъқул топган.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда (нон, уйда поп-корн, музқаймоқ, салатлар, салқин ичимликлар, айрон, гўжа ҳамда деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш) 31 788 нафар фуқаро рўйхатдан ўтди.[11]

Уй меҳнатининг барча шакллари, шу жумладан корхоналар билан меҳнат шартномалари бўйича кооперациялашган уй меҳнати, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши 203,7 минг банд бўлмаган фуқарони, асосан хотин-қизлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ночор тоифаларини, шунингдек чет элдан қайтиб келаётган меҳнат мигрантларини ишга жойлаштиришга ёрдам берди.

Фаолиятни ташкил этишнинг бошқа шаклларида мумкин бўлмаган оқилона мослашувчан иш куни ва меҳнат тақсимоли оилавий тадбиркорлик шароитида амалда мумкин бўлади, бу эса кўпинча ишга жойлашмай қоладиган аҳоли тоифаларини, ёш болали аёлларни ва меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган бошқа тоифадаги шахсларни ҳам ишлаб чиқаришга қисман жалб этиш имконини берган.

Узоқ муддатли истиқболда меҳнат дунёсида ривожланишнинг асосий муаммоси ички демографик муаммоларга (меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиши ва урбанизация жараёнининг тезлашишига) жавоб сифатида барқарор бандликнинг бир вақтнинг ўзида миқдорий ўсишига, ташқи иқтисодий муаммоларга жавоб сифатида меҳнат унумдорлигининг ўсишига (рақобатбардошликнинг кучайишига) эҳтиёж бўлади. Жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибдики, бу муаммо ишлаб чиқариш тармоқлари ва юқори технологияли хизматларнинг жадал ривожланиши билан белгиланади.

Аҳоли бандлигини ошириш жараёнларига иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси салоҳиятини самарали жалб қилиш учун соҳанинг таркибий ўзгаришларини мақсадли устувор йўналишларига эришишни таъминлаш керак, бу уларнинг рақобатбардош устунликлари имкониятларини янада тўлиқ амалга ошириш асосида қайта ишлаш саноатини илғор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди. Ушбу

тармоқларнинг ривожланиши ўсиш омили ва ишлатилган хом ашёни чуқур қайта ишлаш имкониятларини жалб қилиш учун кенг имкониятларга асосланган.

Умуман олганда иқтисодиёт тармоқларида иш ўринларини яратиш қуйидаги йўналишларни такомиллаштиришга ундайди:

Биринчидан, янги иш ўринларини яратиш учун мавжуд салоҳият ва захиралардан фойдаланишни кўпайтириш жорий инвестиция, пул-кредит ва саноат сиёсатининг устувор йўналишларини ўзгартиришни талаб қилади. Инвестиция ресурсларини тақсимлашнинг бозор механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва ишлаб чиқариш саноатига хусусий сармоялар оқимини кўпайтириш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш янги иш ўринлари яратиш даражаси ва иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишни таъминлайди.

Иккинчидан, ҳудудлар имкониятларидан келиб чиқиб ташкил этилаётган ишлаб чиқариш соҳасига инвестицияларни қайта йўналтириш у ерларда янги иш ўринларини яратишга ёрдам беради деган хулосага келиш мумкин. Ушбу мақсадга эришиш учун инвестиция ресурсларини тақсимлашнинг бозор механизмларидан фойдаланишни кенгайтиришга, қишлоқ жойларда инвестиция муҳитини яхшилашга ва ишлаб чиқариш саноатига хусусий сармоялар оқимини қишлоқ жойларда кўпайтириш учун бошқа зарур шароитларни яратишга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни кўриш зарур.

Учинчидан, энг кўп меҳнат миграцияси кузатилаётган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш, у ернинг моддий ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришга аҳамият бериш даркор. Бунинг учун ҳудудларда янги иш ўринлари яратишга қаратилган мақсадли кредит ставкаларини камайтириб, табиий ресурслардан фойдаланишга кенгроқ йўл очиб бериш керак;

Тўртинчидан, иқтисодий фаолият кучайган соҳаларда айнан қайси мутахассисликларга талаб борлигини аниқлаш (дастурчилар, сантехниклар,

механик-операторлар, савдо агентлари ва ҳ.к.) ва бу соҳалар бўйича ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш инфраструктурасини яратиш лозим;

Бешинчидан, чекка ҳудудларда мелиорация, энергетика, газ ва сув инфратузилмаларини, автомобиль йўлларини тиклаш жоиз. Шунда у ерда иш ўринларини яратиш имкони ортади.

Шундай қилиб, бандлик ва ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш вариантларини кўриб чиқишда "биринчи ўринда" иш жойларини яратиш ва уларнинг ишлашини таъминлаш учун молиявий маблағ муаммоси, яъни уларни иқтисодий жиҳатдан самарали иш жойларига айлантириш иқтисодий механизмнинг самарали ишлаши муҳимдир. Шу билан бирга, нафақат янги иш ўринлари самарали ишлашини таъминланиш, балки мавжуд (эскирган ёки янги ишлаб турган) ва фойдаланишга "яроқли" иш жойларини ҳам ишлатиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 25.01.2020.
<https://uza.uz/uz/posts/25-01-2020>
2. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Шоюсупова Н.Т. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. –Тошкент, Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Адабиёт Жамғармаси Нашриёти. 2005 йил, - 256б. 237-бет.
3. Назаров А.Ш. Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш. Дарслик. – Тошкент, ТДИУ. 2004 йил, -256б. 44-бет.
4. Янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларига мувофиқ иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартиби. – Тошкент, 2010 йил.
5. <http://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2012/10/01/jobs-cornerstone-development-says-world-development-report>
6. Кузнецов С.Г., Коровкин А.Г. Высокопроизводительные рабочие места: определение, учет, анализ и прогнозирование // Научные труды: Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН. 2015. № 13. С. 115-137.
7. Гимпельсон В., Жихарева О., Капелюшников Р. Движение рабочих мест: что говорит российская статистика // Вопросы экономики. 2014. №7. С. 93-126.
8. Кузнецов О.Г. Инвестиционное стимулирование создания новых рабочих мест на действующих предприятиях. Автореферат на соискание дисс. Кан.экон.наук. –Москва, 2009 г.
9. Создание рабочих мест – основа основ социально-экономического развития, говорится в «Докладе о мировом развитии за 2013 год»
<http://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2012/10/01/jobs-cornerstone-development-says-world-development-report>
10. Архипова О. Создание новых рабочих мест – приоритетная задача Узбекистана. // Журнал «Бозор, пул ва кредит», №12, 2019 йил.

11. Ўзини ўзи банд қилганлар сони 200 мингдан ошди. Ҳудудлар кесимида етакчилар маълум бўлди: <https://kun.uz/news/2020/08/01/ozini-oziband-qilganlar-soni-200-mingdan-oshdi-hududlar-kesimida-yetakchilar-malumboldi>